

**“Ангрен логистика маркази” АЖ
кузатув кенгашининг 2-сонли йиғилиш баёни**

Ўтказиш санаси: 2023 йил 22 сентябрь

Ўтказиш жойи: Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Ипак йўли кўчаси, 1-уй.
“Ангрен логистика маркази” АЖнинг маъмурий биноси.

Ўтказиш вақти: Соат 11:00 да.

Йиғилишда иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари:

- | | | |
|----|-------------------------------|------------------------|
| 1. | Рустамов Бахтиёр Равшанович | кузатув кенгаши раиси |
| 2. | Алибеков Тимур Абдумухторович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 3. | Бойсинов Жасур Хасанович | кузатув кенгаши аъзоси |
| 4. | Абдикаримов Шавкат Озодович | кузатув кенгаши аъзоси |

Йиғилишга таклиф қилинганлар:

- | | | |
|----|----------------------------------|---|
| 1. | Абдураимов Ботир
Тураевич. | “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори |
| 2. | Холжуманова Зебинисо
Душаевна | “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош ҳисобчиси |

Кузатув кенгашининг йиғилиши кун тартиби:

1.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги қўмиталарнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида.
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-101-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида.
2.1	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг корпоратив бошқарув қоидаларини мақуллаш;
2.2	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг Аҳлоқ кодексини тасдиқлаш;
2.3	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг коррупцияга қарши курашиш сиёсатини тасдиқлаш;
2.4.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсатини тасдиқлаш;
2.5.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг қоидабузарлик тўғрисида хабардор қилиш сиёсатини тасдиқлаш;
3.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички корпоратив низомларини тасдиқлаш тўғрисида.
3.1	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг ягона акциядори тўғрисида”ги низомни мақуллаш;
3.2	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомни мақуллаш;
3.3	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг ижроия органига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомни мақуллаш;
3.4	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг йиллик мажбурий аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини танловини ўтказиш тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш;
3.5	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни танловини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш;
3.6	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш.
4.	“Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига

	номзодларни кўриб чиқиш учун танлов ўтказиш тўғрисида.
5.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг йиллик мажбурий аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини танловини ўтказиш тўғрисида.
6.	“Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизмати ходимларини иш ҳақи миқдорини белгилаш, ички аудит хизмати ходимлигига номзодларни кўриб чиқиш учун танлов ўтказиш тўғрисида.
7.	“Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2023 йил иккинчи чоракдаги молиявий-хўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини эшитиш тўғрисида.

Йиғилишда кузатув кенгаши аъзоларини 5 нафар аъзосидан 4 нафари, 80% иштирок этаётганлиги сабабли йиғилишни ўтказиш учун етарли кворум мавжуд. Йиғилиш очик деб эълон қилинди.

1. Кун тартибдаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги кўмиталарнинг йиллик иш режасини тасдиқлаш тўғрисида”ги биринчи масала юзасидан Б. Абдураимов сўзга чиқиб, қуйидагиларни:

2022 йил 25 август куни жамият акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилишида жамият кузатув кенгаши ҳузурида ташкил этилган Стратегия ва инвестициялар кўмитаси, Аудит кўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш ва этика кўмитаси ва Тайинловлар ва мукофотлаш кўмитаси фаолиятини белгилаб бериш учун низомлар тасдиқланганлигини;

2023 йил 12 июль куни юқорида номлари қайд этилган кўмиталар жамият кузатув кенгаши аъзоларидан 3 (уч) кишидан иборат таркибда шакллантирилганлигини маълум қилди.

Ш.Абдикаримов, юқоридаги кўмиталар томонидан кўмиталарнинг алоҳида йиллик иш режаси лойиҳалари ишлаб чиқилганлигини маълум қилиб, 2023 йилнинг иккинчи ярим йиллигида ва 2024 йил мобайнида кўмиталар томонидан амалга оширилиши режалаштирилаётган ишлар билан таништирди ва кузатув кенгаши аъзоларидан ушбу иш режаларини тасдиқлаб беришни сўради (Жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги кўмиталарнинг иш режалари баённомага илова қилинади.).

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

2. Кун тартибдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 24 мартдаги “Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-101-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида”ги иккинчи масала юзасидан Б.Рустамов сўзга чиқиб, Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан Осиё тараққиёт банки ҳамда тикланиш ва тараққиёт банки томонидан жалб қилинган экспертлар билан биргаликда давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидалари, намунавий Аҳлоқ кодекси ҳамда унинг ажралмас қисми сифатида Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати ва Қоидабузарлик ҳақида хабардор қилиш сиёсати ишлаб чиқилганлигини ва Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2023 йил 23 июндаги 145-сон буйруғи билан тасдиқланганлигини маълум қилди.

Б.Абдураимов, Корпоратив бошқарув қоидаларининг тавсияларига риоя этиш мажбурияти жамиятнинг ягона акциядори қарори билан қабул қилиниши, Аҳлоқ кодекси ҳамда унинг ажралмас қисми сифатида Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати ва Қоидабузарлик ҳақида хабардор қилиш сиёсати

намунавий бўлиб, жамият фаолиятидан келиб чиқиб, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши ҳамда кузатув кенгаши қарори билан тасдиқланиши белгиланганлигини таъкидлаб ўтди.

Ш.Абдикаримов, жамиятнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги қўмиталар томонидан Ахлоқ кодекси, Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати ва Қоидабузарлик ҳақида хабардор қилиш сиёсати жамият хўжалик фаолиятидан келиб чиқиб ишлаб чиқилганлигини маълум қилиб, кузатув кенгаши аъзоларига тасдиқлашни ва давлат иштирокидаги корхоналар учун Корпоратив бошқарув қоидаларининг тавсияларига риоя этиш мажбуриятини қабул қилиш ҳамда Корпоратив бошқарув қоидаларининг тавсияларига риоя этиш тўғрисидаги хабарнома матнини тасдиқлаш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритишни таклиф этди (Кодекс, сиёсат ва хабарнома лойиҳаси баённомага илова қилинади.).

■ Масала қўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

3. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички корпоратив низомларини тасдиқлаш тўғрисида”ги учинчи масала юзасидан Б. Абдураимов сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди.

3.1. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ягона акциядори тўғрисида”ги низомни мақуллаш.

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг “Акциядорларнинг умумий йиғилиши” деб номланган 58-моддаси саккизинчи қисмида барча оддий акциялар битта акциядорга тегишли бўлган жамиятда **акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилмаслиги**, ушбу қонун ва жамиятнинг устави билан акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар бундай акциядор томонидан яқка тартибда қабул қилиниши ҳамда ёзма шаклда расмийлаштирилиши, акциядорлар умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни чақириш ва ўтказиш тартибини ҳамда муддатларини белгиловчи қоидалари қўлланилмаслиги, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини ўтказиш муддатларига тааллуқли қоидалар бундан мустасно эканлиги белгиланган.

Қонуннинг “Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доираси” деб номланган 59-моддасида акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар кириши белгиланган:

жамият устavigа ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

жамиятни қайта ташкил этиш;

жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

жамият кузатув кенгашининг ва сон таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва аъзоларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш;

жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) камайитириш;

ўз акцияларини олиш;

жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш, ижроия органини тузиш, унинг раҳбарини сайлаш (тайинлаш) ва раҳбарнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;

жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан жамиятни бошқаришга доир қонунчиликда белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;

жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

имтиёзли ҳуқуқни қўлламаслик тўғрисида ушбу Қонуннинг 35-моддасида назарда тутилган қарорни қабул қилиш;

ушбу Қонуннинг 34-моддасига мувофиқ акцияларни жойлаштириш (ташқил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;

акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш;

ушбу Қонуннинг 8 ва 9-бобларида назарда тутилган ҳолларда жамият томонидан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, ушбу ташкилотнинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

қонунчиликка мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

Б.Абдураимов, бугунги кунда жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлиги бўлганлиги муносабати билан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ягона акциядори тўғрисида”ги низом лойиҳаси ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ва тайёрланган низом лойиҳасини тасдиқлаш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритишни таклиф этди.

3.2. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомни мақуллаш.

Т. Алибеков сўзга чиқиб, Тайинловлар ва мукофотлаш кўмитаси томонидан ушбу низом “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-101-сон қарори, давлат иштирокидаги жамиятлар учун корпоратив бошқарув қоидалари ҳамда жамиятнинг уставига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги тўғрисида маълум қилиб, тайёрланган низом лойиҳасини тасдиқлаш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритиш тўғрисида таклиф киритди.

3.3. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ижроия органига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомни мақуллаш.

Ж. Бойсинов сўзга чиқиб, Тайинловлар ва мукофотлаш кўмитаси томонидан ушбу низом “Давлат мулкни бошқариш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат активларини бошқариш агентлиги фаолиятини самарали ташқил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2023 йил 24 мартдаги ПҚ-101-сон қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат иштирокидаги жамиятлар ижро этувчи органи фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2020 йил 9 декабрдаги 775-сон қарори ва 2015 йил 28 июлдаги 207-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонлари тўғрисида”ги низом, давлат иштирокидаги жамиятлар учун корпоратив бошқарув қоидалари ҳамда жамиятнинг уставига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги, ушбу низом жамият ижроия органини муносиб моддий рағбатлантириш

хамда жамият молия-хўжалик фаолияти натижадорлиги учун ижроия органи манфаатдорлигини ошириш мақсадида жамиятнинг ижроия органига ҳақ тўлаш асоси, рағбатлантиришни ҳисоблаш тартиби ҳамда тўлаш манбаларини белгилашини қайд этди ва тайёрланган низом лойиҳасини тасдиқлаш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритиш тўғрисида таклиф киритди.

3.4. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг йиллик мажбурий аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини танловини ўтказиш тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш.

Т.Алибеков сўзга чиқиб, жамиятнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси томонидан жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 12 июлдаги 1-сонли йиғилиш баёнини ижросини таъминлаш мақсадида жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун танлов ўтказиш тартиби ва аудит ташкилотига танловда иштирок этиш учун қўйиладиган шарт ва мезонларни ўз ичига олган низом лойиҳаси ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ва кузатув кенгаши аъзоларидан тайёрланган низом лойиҳасини тасдиқлаб беришни сўради.

3.5. “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни танловини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш.

Ш.Абдикаримов сўзга чиқиб, жамиятнинг кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси томонидан жамиятнинг кузатув кенгашининг 2023 йил 12 июлдаги 1-сонли йиғилиш баёнини ижросини таъминлаш мақсадида жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни танловини ўтказиш тартиби ва кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодга танловда иштирок этиш учун қўйиладиган шарт ва мезонларни ўз ичига олган “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисида”ги низом лойиҳаси ишлаб чиқилганлигини маълум қилди ва кузатув кенгаши аъзоларидан тайёрланган низом лойиҳасини тасдиқлаб беришни сўради.

3.6. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомни тасдиқлаш.

Б.Абдураимов сўзга чиқиб қуйидагиларни маълум қилди: “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг “Жамиятнинг ички аудит хизмати” деб номланган 108-моддасида активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг баробаридан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилиши белгиланган.

Жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 1 июндаги 1-сонли баёни билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатларининг самарадорлигини янада ошириш ва давлат молиявий назорати органлари фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги ПҚ-128-сон қарори ижросини таъминлаш, шунингдек вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизматини янада ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини тартибга солишни такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 1 августдаги “Вазирлик ва идораларнинг ички аудит хизмати тўғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тўғрисида”ги 416-сонли қарори қабул қилинганлигини инобатга олиб, “Ангрен логистика маркази” АЖ ички аудит хизмати тўғрисида”ги низоми тасдиқланган.

Ш.Абдикаримов, ушбу намунавий низом фақат бюджет ташкилотлари учун тасдиқланганлиги, акциядорлик жамиятларига даҳли йўқлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкнинг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 215-сонли қарори талабларига “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомини мувофиқлаштириш мақсадида янги таҳрирдаги низом лойиҳаси ишлаб

чиқилганлиги тўғрисида маълумот бериб, кузатув кенгаши аъзоларидан ушбу низомни тасдиқлаб беришларини сўради. (Янги тахрирдаги низом лойиҳаси баённомага илова қилинади.).

Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички корпоратив низомларини тасдиқлаш тўғрисида”ги учинчи масала кузатув кенгаши томонидан ваколат доирасида кўриб чиқилди ва овозга қўйилди (Низомлар лойиҳаси баённомага илова қилинади.).

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

4. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни кўриб чиқиш учун танлов ўтказиш тўғрисида”ги тўртинчи масала юзасидан Ж.Бойсинов сўзга чиқиб, жамият ягона акциядорининг 2023 йил 27 июндаги “Ангрен логистика маркази” акциядорлик жамиятининг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижаси тўғрисида”ги 87/09-2qr–сонли қарори билан тасдиқланган ва давлат хизматлари марказидан 2023 йил 4 июль куни 2208456-рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган жамият уставининг 30.17-бандида жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлишга номзодларга қўйиладиган талаблар белгиланганлигини маълум қилди.

Қуйидаги шахс кузатув кенгашининг мустақил аъзоси деб эътироф этилади:

сўнгги уч йил мобайнида жамиятда ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларида ишламаган шахс;

жамиятнинг акциядори ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг таъсисчиси (акциядори, иштирокчиси) бўлмаган шахс;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлмаган шахс. Бунда қайси мижоз ва етказиб берувчи билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўшалар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;

жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлмаган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазифалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган ҳоллар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахснинг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахснинг эри (хотини), ота-онаси (фарзандликка олувчиси), фарзанди (фарзандликка олинган боласи), туғишган ва ўғай акаси (укаси) ҳамда опаси (синглиси) бўлмаган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлмаган шахс.

Жамият уставининг 31.13-бандида акциялари фонд биржасининг биржа котировкаси арағига киритилган жамиятнинг, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига камида бир нафар мустақил аъзо киритилиши кераклиги, бунда кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодлар жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан, қоида тариқасида, акциядорлар умумий йиғилиши кўриб чиқиши учун танлов асосида кўрсатилиши белгиланган.

Жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 12 июлдаги 1-сонли йиғилиш баёнини ижросини таъминлаш мақсадида жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлишга номзодларни танлаш учун танлов ўтказилган, танловда иштирок этиш учун талабгорларга 2023 йил 1 сентябрга қадар муддат билан танловда иштирок этишлари учун шахсий ҳужжатларини жамиятга тақдим этишлари мумкинлиги тўғрисида www.openinfo.uz ва

жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтлари орқали жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлишга номзодларга қўйиладиган талаблар асосида эълон берилган.

Фуқаро А.Олимов 2023 йил 8 август куни жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиш учун ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун шахсий ҳужжатларини жамиятнинг clangren@bk.ru расмий электрон манзили орқали тақдим этган.

Юқоридагиларга кўра, Б.Абдураимов томонидан қўйидагилар:

белгиланган муддатда битта талабгор томонидан таклиф келиб тушганлиги;

жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисидаги низомининг 16-бандига мувофиқ, агар танловда фақат битта талабгор иштирок этганда танлов ўтказилмаган деб ҳисобланиши ва ушбу ҳолатда кузатув кенгаши **қайта танлов ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкинлиги** белгиланганлиги;

шунга кўра, мустақил аъзони танлаш бўйича қайта эълон қонунчилик ҳамда жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисидаги низом талабларидан келиб чиқиб белгиланиши кераклиги;

танлов натижасида келиб тушган таклифлар жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси томонидан кўриб чиқилганидан кейин кузатув кенгаши муҳокамасига киритилиши кераклиги тўғрисида маълум қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

5. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг йиллик мажбурий аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини танловини ўтказиш тўғрисида”ги бешинчи масала юзасидан Т.Алибеков сўзга чиқиб, жамият ягона акциядорининг 2023 йил 27 июндаги “Ангрен логистика маркази” акциядорлик жамиятининг 2022 йил молиявий-хўжалик фаолияти натижаси тўғрисида”ги 87/09-2qr–сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида “Ангрен логистика маркази” АЖнинг 2023 йил учун мажбурий аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини танловини ўтказиш тўғрисида”ги низом асосида мажбурий аудиторлик текширувини ўтказувчи аудиторлик ташкилотларини танловини ўтказишни ва танлов натижасида келиб тушган таклифлар жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси томонидан кўриб чиқилганидан кейин кузатув кенгаши муҳокамасига киритиш кераклиги тўғрисида маълум қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

6. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизмати ходимларини иш ҳақи миқдорини белгилаш, ички аудит хизмати ходимлигига номзодларни кўриб чиқиш учун танлов ўтказиш тўғрисида”ги олтинчи масала юзасидан Б.Абдураимов сўзга чиқиб, жамият кузатув кенгашининг 2022 йил 29 ноябрдаги 3-сонли баёнига асосан “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизмати ташкил этилган, ички аудит хизмати ходимлар сони бир нафар этиб белгиланган ва 000667-сонли ички аудиторлик сертификатига эга аудитор С.Нуртаев билан белгиланган тартибда солиқ тўловларини ҳисобга олмаганда 2 000 000 сўм миқдорда ҳар ой тўланадиган иш ҳақи эвазига жамиятнинг 2023 йилги ички аудит хизматини амалга ошириш учун меҳнат келишуви

расмийлаштирилганлигини ва жамият кузатув кенгашининг 2023 йил 1 июлдаги 1-сонли баёни билан ички аудиторни йиллик иш режаси тасдиқланганлигини маълум қилди.

Т.Алибеков, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги “Устав фондида давлат улуши бўлган корхоналарнинг самарали бошқарилишини ва давлат мулкининг зарур даражада ҳисобга олинишини таъминлаш чоратадбирлари тўғрисида”ги 215-сонли қарори талабларига “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомини мувофиқлаштириш мақсадида янги тахрирда қабул қилинган низомнинг “Ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар” деб номланган тўртинчи бобида ички аудит хизмати ходимлари жамиятнинг штатлар жадвалига киритилиши ва ички аудитор сертификатиغا эга бўлиши шартлиги, улар жамият кузатув кенгаши томонидан белгиланадиган тартиб ва шартларга асосан танлов асосида тайинланиши, ички аудит хизмати ходимларининг сони жамиятнинг кузатув кенгаши томонидан сертификацияланган икки нафардан кам бўлмаган ички аудитордан иборат этиб белгиланиши қайд этилганлиги муносабати билан қуйидагиларни таклиф қилди:

жамиятнинг ички аудитори С.Нуртаев билан тузилган меҳнат келишувини бекор қилишни;

штат жадвалига ички аудит хизмати бўлими бошлиғи ва ички аудитор штат бирликларини киритиш ва уларга тўланадиган иш ҳақи миқдорини белгилашни;

жамиятнинг ички аудит хизмати ходимлиги учун танлов ўтказишни, бунда:

www.openinfo.uz ва жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтлари орқали жамиятнинг ички аудит хизмати ходими бўлиш учун номзодларга қўйиладиган талаблар асосида эълон беришни;

жамиятнинг ички аудит хизмати ходимлигига ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун талабгорларга 2023 йил 1 ноябрга қадар муддатда шахсий ҳужжатларини жамиятнинг clangren@bk.ru расмий-электрон манзили орқали такдим этишлари мумкинлиги тўғрисида маълум қилишни;

танлов натижасида келиб тушган таклифлар жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси томонидан кўриб чиқилганидан кейин кузатув кенгаши муҳокамасига киритишни;

танловда ғолиб бўлган номзод билан белгиланган тартибда меҳнат шартномаси тузишни.

Ж.Бойсинов, жамият штат жадвалига 1 нафар 15-разрядли 8 соат иш режимида ишловчи “Ички аудит хизмати бошлиғи ва 1 нафар 11-разрядли 8 соат иш режимида ишловчи “Ички аудитор” штат бирлиги киритишни таклиф қилди.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдиқаримов

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

7. Кун тартибидаги “Ангрен логистика маркази” АЖ ижро органининг 2023 йил иккинчи чоракдаги молиявий-ҳўжалик фаолияти яқунлари бўйича ҳисоботини эшитиш тўғрисида”ги еттинчи масала юзасидан Т.Алибеков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 1013-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат иштирокидаги корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ҳолати таҳлилини ўтказиш Регламенти”га асосан Давлат активларини бошқариш агентлигининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан жамиятнинг 2023 йил иккинчи чоракдаги молиявий ҳолати таҳлил қилинганлигини ва Давлат активларини бошқариш агентлигини веб-сайтига (kpi.davaktiv.uz) жойлаштирилган жамият ижроия органининг самарадорлик муҳим кўрсаткичи (СМК) 103 фозни, яъни етарли даражада ташкил этганлиги қайд этилган бўлсада, жамиятнинг паст рентабеллиги, асосий воситалари эскирганлиги аниқланганлиги

тўғрисида маълумот берди ва шу муносабат билан жамият ижроия органининг 2023 йил иккинчи чорак якунлари бўйича ҳисоботини танқидий кўриб чиқишни таклиф қилди.

Б.Абдураимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2023 йил иккинчи чорак якунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисида қуйидагиларни маълум қилди:

- жами даромад 4 008 837 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (215 217 минг сўм) нисбатан 3 793 620 минг сўмга кўпайган бўлсада, белгиланган (6 373 105 минг сўм) режа 62,9 фоизга бажарилган;

- соф тушум 2 052 287 минг сўмни ташкил этган, белгиланган (2 798 796 минг сўм) режа 73,3 фоизга бажарилган;

- маҳсулотлар (хизматлар) таннархи 1 851 048 минг сўмни ташкил этган ёки таннархнинг соф тушумдаги улуши 90,1 фоизни ташкил этган;

- давр харажатлари 1 328 753 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (119 426 минг сўм) нисбатан 1 209 327 минг сўмга кўпайган, белгиланган (1 055 604 минг сўм) режа 125,8 фоизни ташкил этган;

- соф фойда 704 680 минг сўмни ташкил этган ва ўтган йилнинг мос даврига (86 642 минг сўм) нисбатан 618 038 минг сўмга кўпайган, белгиланган (666 456 минг сўм) режа 105,7 фоизга бажарилган;

- дебиторлик қарздорлиги 6 465 970 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (21 311 992 минг сўм) нисбатан 14 846 022 минг сўмга (69,6 фоизга) камайган;

- кредиторлик қарздорлиги 1 401 204 минг сўмни ташкил этган ва йил бошига (570 334 минг сўм) нисбатан 830 870 минг сўмга (145,6 фоизга) кўпайган.

■ Масала кўриб чиқиб овозга қўйилди.

Розилар – Б.Рустамов, Т.Алибеков, Ж.Бойсинов, Ш.Абдикаримов

Қаршилар – йўқ

Бетарафлар – йўқ

Юқорида баён қилинганларга асосан “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. “Ангрен логистика маркази” АЖ кузатув кенгаши ҳузуридаги қўмиталарнинг йиллик иш режаси иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши томонидан ишлаб чиқилган Аҳлоқ кодекси, Коррупцияга қарши курашиш сиёсати, Манфаатлар тўқнашувини бошқариш сиёсати ва Қоидабузарлик ҳақида хабардор қилиш сиёсати иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда Корпоратив бошқарув қоидаларини жамиятда амалиётга жорий этиш масаласини кўриб чиқиш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритилсин.

3. “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши томонидан ишлаб чиқилган ички корпоратив низомлари қуйидаги тартибда тақсимлансин. Бунда:

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг ягона акциядори тўғрисида”ги, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги ва “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ижроия органига ҳақ тўлаш тартиби тўғрисида”ги низомларни тасдиқлаш учун жамиятнинг ягона акциядори Давлат активларини бошқариш агентлигига киритилсин.

“Ангрен логистика маркази” АЖнинг йиллик мажбурий аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини танловини ўтказиш тўғрисида”ги, “Ангрен логистика маркази” АЖнинг кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига номзодларни танловини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги ҳамда “Ангрен логистика маркази” АЖнинг ички аудит хизмати тўғрисида”ги низомлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танловда фақат битта талабгор иштирок этганлиги сабабли танлов ўтказилмаган деб топилсин ҳамда кузатув кенгашининг мустақил аъзолиги учун танлов ўтказиш ва номзодларни танлаб олиш тўғрисидаги низом ва устав талабларига мувофиқ қайта танлов ўтказилсин. Бунда:

www.openinfo.uz ва жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтлари орқали жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлишга номзодларга қўйиладиган талаблар асосида эълон берилсин;

жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзолигига ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун талабгорларга 2023 йил 1 ноябрга қадар муддатда шахсий ҳужжатларини жамиятнинг clangren@bk.ru расмий-электрон манзили орқали тақдим этишлари мумкинлиги тўғрисида маълум қилинсин;

танлов ўтказиш бўйича эълон иловага мувофиқ тасдиқлансин;

танлов натижасида келиб тушган таклифлар жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги Тайинловлар ва мукофотлаш қўмитаси томонидан кўриб чиқилганидан кейин кузатув кенгаши муҳокамасига киритилсин.

5. Жамиятнинг йиллик мажбурий аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларини танлови ўтказилсин. Бунда:

www.openinfo.uz ва жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтлари орқали жамиятнинг йиллик мажбурий аудит текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларига қўйиладиган талаблар асосида эълон берилсин;

жамиятнинг йиллик мажбурий аудит текширувини ўтказишга аудиторлик ташкилотини танлаш учун ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун талабгорларга 2023 йил 1 ноябрга қадар муддатда шахсий ҳужжатларини жамиятнинг clangren@bk.ru расмий-электрон манзили орқали тақдим этишлари мумкинлиги тўғрисида маълум қилинсин;

танлов ўтказиш бўйича эълон иловага мувофиқ тасдиқлансин;

танлов натижасида келиб тушган таклифлар жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси томонидан кўриб чиқилганидан кейин кузатув кенгаши муҳокамасига киритилсин.

6. Жамиятнинг ички аудитори С.Нуртаев билан тузилган меҳнат келишуви бекор қилинсин;

жамиятнинг штат жадвалига 1 нафар 15-разрядли 8 соат иш режимида ишловчи “Ички аудит хизмати бошлиғи ва 1 нафар 11-разрядли 8 соат иш режимида ишловчи “Ички аудитор” штат бирлиги киритилсин;

жамиятнинг ички аудит хизмати ходимлиги учун танлов ўтказилсин. Бунда:

www.openinfo.uz ва жамиятнинг www.clangren.uz расмий веб-сайтлари орқали жамиятнинг ички аудит хизмати ходими бўлиш учун номзодларга қўйиладиган талаблар асосида эълон берилсин;

жамиятнинг ички аудит хизмати ходимлигига ўтказиладиган танловда иштирок этиш учун талабгорларга 2023 йил 1 ноябрга қадар муддатда шахсий ҳужжатларини жамиятнинг clangren@bk.ru расмий-электрон манзили орқали тақдим этишлари мумкинлиги тўғрисида маълум қилинсин;

танлов ўтказиш бўйича эълон иловага мувофиқ тасдиқлансин;

танлов натижасида келиб тушган таклифлар жамият кузатув кенгаши ҳузуридаги Аудит қўмитаси томонидан кўриб чиқилганидан кейин кузатув кенгаши муҳокамасига киритилсин.

7. “Ангрен логистика маркази” АЖ ижроия органининг 2023 йил иккинчи чорак яқунлари бўйича бухгалтерия баланси ва молиявий натижалари тўғрисидаги ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Жамият ижроия органи:

- 2023 йилнинг учинчи чорагига белгиланган Бизнес-режа кўрсаткичларини тўлик ижросини таъминласин;

- 2023 йилнинг учинчи чорагига белгиланган Бизнес-режа кўрсаткичларининг тўлик бажарилиши учун жавобгарлик шахсан “Ангрен логистика маркази” АЖ Бош директори Б.Абдураимов зиммасига юклатилсин.

Кузатув кенгаши раиси




Б.Рустамов

Кузатув кенгаши аъзоси



Т.Алибеков

Кузатув кенгаши аъзоси



Ж.Бойсинов

Кузатув кенгаши аъзоси



Ш.Абдикаримов

Баённома имзоланган сана: 2023 йил 22 сентябрь

